УДК 9(575.1)

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ: ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ
(Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси мисолида)

Т.А.Хатамов

Мақолада Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида ***Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида*** *1997 – 2009 йилларда олиб борилган ислоҳотлар таҳлил этилган. Хусусан, мактаб таълимида миллий ва замонавий талабларнинг уйғунлашуви,* демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг қарор топиши, *педагог-кадрларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватланиши ҳамда мактаблар моддий-техника базасининг мустаҳакамланиши илмий ўрганилган.*

Калит сўзлар: *Миллий дастур,* ***т****аълим, ёшлар, ислоҳотлар, ўқитувчилар.*

В статье анализируются реформы в ситеме народного образования Республики Узбекистан, осуществленные в рамках Национальной программы по подготовке кадров в период 1997 - 2009 года. В частности, исследованы гармоничное сочетание национальных и современных требований в школьном образовании, усиление в нем демократических и гуманистических принципов, материальная и моральная поддержка педагогических кадров, укрепление материально-технической базы школ.

Ключевые слова: *Национальная программа, образование, молодежь, реформы, учителя.*

1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури истиқлол талаблари асосида бой маънавий қадриятларимиз билан уйғунлашган ва жаҳон андозаларига мос миллий таълим-тарбия тизимини шакллантириш вазифасини қўйди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда бошланган таълим ислоҳотларининг бош концепциясига айланди. Дастур бунёдкор, ижтимоий фаол, маънавий баркамол шахсни шакллантириш ва юқори малакали, рақобатбардош кадрларни изчил тайёрлашнинг зарур шарт-шароитларини яратди. Устуворлик, демократлашув, инсонийлик, миллийлик каби хусусиятларга йўналтирилганлик, таълим ва тарбиянинг узвийлиги, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш узлуксиз таълимнинг асосий тамойиллари қилиб белгиланди. Миллий дастур асосида миллий моделимиз шаклланди. Миллий моделни ҳаётга татбиқ этиш Ўзбекистон таълим тизимининг инновацион стратегик вазифасига айланди. Яхлитлик тизимига унинг моҳияти ва ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг асосий таркибий компонентлари сифатида кирганлиги миллий моделимиз аҳамиятини янада оширди.

Бу вазифаларни амалга ошириш жараёнида таълимда демократик ва инсонпарварлик тамойиллари қарор топиши, таълим муассасалари учун ўқув дастурлари ва режаларини танлаб олишда эркинликлар бериш, тажриба-синовлар ўтказишни рағбатлантириш, таълимнинг ноанъанавий турларини ишлаб чиқиш ва уларни ривожлантириш, таълимдаги ташаббускорлик ва ижодкорликнинг кенг тараққий этиши ва таълим бўйича хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилиш учун шарт-шароитлар таъминланди.

Миллий дастур вазифалари асосида биринчи навбатда мактаблар учун миллийлик ва замонавийликни ўзида акс эттирган янги Давлат таълим стандартлари (бундан буён ДТС) ва фан дастурларини ишлаб чиқишни тақозо этаётган эди. Айнан шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январда “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида” [1. Б. 277-282], 1998 йил 13 майда эса “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги [1. Б. 357-358] қарорлари қабул қилинди. Қарорлар асосида замон талабларига мос, эркин ва мустақил фикрловчи шахсни тарбиялашга, таълимга янги педагогик технологияларни татбиқ қилишга, касбга йўллаш ва психологик-педагогик диагностикани амалга оширишга қаратилган умумий ўрта таълим ДТСлари ишлаб чиқилди. Ўқувчиларнинг ДТСда белгиланган кўрсаткичларга эришиш даражаларини ва ўқув дастурларини ўзлаштириш самарадорлигини ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда тегишли методик ёрдам кўрсатиш мақсадида мониторинг тизими шакллантирилди. Республика миқёсида фанлар кесимида 7–8-синф ўқувчилари билим даражаси 2000 – 2001 ўқув йили якуни, 2001 – 2002 ўқув йилининг биринчи чораги натижаларига кўра қиёсий таҳлил этилди. Унга 7–8-синфларнинг 85460 нафар ўқувчилари жалб этилиб, уларнинг ДТС талаблари

даражасидаги билим ва кўникмалари ўрганилиб тегишли хулосалар чиқарилди [2. Б. 27].

Шунингдек, 2005 – 2006 ўқув йилида мониторинг жараёни билан республика бўйича сайланма равишда 84 та туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари тасарруфидаги 504 та умумтаълим мактабларининг жами 44977 нафар 5- ва 10-синф ўқувчилари қамраб олинди. Натижалар 5-синф ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш даражасининг умумий самарадорлиги 0,4%га, 10-синф ўқувчилари билимининг самарадорлиги эса 0,8% га, жами умумий самарадорлик 1,2 % га ўсганлигини кўрсатди [3].

Ўрганилган даврда умумтаълим фанларига қўйилган ДТС талабларини бажаришда Тошкент, Бухоро, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳри ўқувчилари билимининг самарадорлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2006 – 2007 ўқув йилларида республика миқёсида ўқувчиларнинг ДТС талабларини ўзлаштириш самарадорлиги “аъло”, “яхши” баҳоларга 59,8 % бўлса, 2008 – 2009 ўқув йилларида ДТС талабларини ўзлаштириш самарадорлиги “аъло”, “яхши” баҳоларга 68,7 % кўрсаткичга эришилганлиги Миллий дастур асосида шаклланган миллий моделнинг амалдаги ижобий натижасидир.

2007 – 2008 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги жами 35 та таянч мактабларида 50 та ўқув фани йўналишлари бўйича 126 та 1–9-синфлардан 3614 нафар ўқувчи республика тажриба-синов майдонларида иштирок этдилар. Уларга 50 та ўқув фани йўналишлари бўйича янги таҳрирдаги ДТС ва модернизация қилинган ўқув дастурлари, мавзуий режалаштириш, зарурий методик материаллар фанлар кесимида тажриба-синов майдонларида тақдим этилди. Жумладан, Республика таълим маркази томонидан 445 та дарс ишланмалари, 524 та тест тўпламлари, 383 методик тавсиялар, вилоят методика марказлари томонидан 317 та методик қўлланма ва дарс ишланмалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан 503 та дарс ишланмалари мактабларга етказилди. 50 та ўқув фани йўналишлари бўйича тажриба-синов ишларининг таҳлилларига кўра ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларининг ўзлаштириш самарадорлиги янги таҳрирдаги ДТС талабларига нисбатан ўртача ҳисобда 79,4 % ни ташкил этган.

Тадқиқ этилган даврда республика ҳукуматининг муҳим эътибори шундан иборат бўлдики, Миллий дастур ва Умуммиллий дастур вазифалари асосида таълим дастурлари қайта ишлаб чиқилди, таълим стандартлари ва концепциялари такомиллаштирилди ҳамда жорий этилди. Бунда хорижий давлатлар тажрибаларининг ижобий жиҳатларини ўрганишга муҳим эътибор қаратилиб, халқимизнинг миллий хусусиятларига алоҳида аҳамият берилди.

Таълимда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолашнинг энг мақбул йўлларини излаб топишни талаб қилаётган эди. Айнан шу борада илмий изланишлар олиб борилди. 1998 – 1999 ўқув йилида республиканинг барча шаҳар ва туманларидаги 2 тадан мактабда ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими синов тариқасида жорий этилди. Тўпланган тажриба асосида ягона рейтинг тизими ва унинг низоми ишлаб чиқилди. Бу тизим 1999 – 2000 ўқув йилида 100 дан ортиқ мактабда тажриба-синовдан ўтказилди [4].

2004 йилда рейтинг тизимидаги мураккабликларни соддалаштириш, ўқитувчилар учун қулай, ўқувчилар ва ота-оналар учун тушунарли вариантини тайёрлаш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг “Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражасини аниқлашнинг амалдаги кўп балли рейтинг тизимини такомиллаштириш ҳақида”ги [5] 165-сонли буйруғи қабул қилинди. Халқ таълими вазирлиги ва Таълим маркази ҳамкорлигида янги таҳрирдаги рейтинг тизими ишлаб чиқилиб, 2005 – 2006 ўқув йилида тажриба-синовдан ўтказилди ва 2006 йил 22 майда “Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражасини аниқлашнинг кўп балли рейтинг тизими тўғрисида” янги таҳрирдаги Низоми қабул қилиниб, 2006 – 2007 ўқув йилидан мактабларга жорий этилди.

Ўрганилган даврда республика ҳукумати ва Халқ таълими вазирлиги таълимнинг сифат-самарадорлигини янада ошириш мақсадида педагогик фаолият жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва мактабларни компьютерлаштиришга, уларнинг интернет тармоқларига уланишига бўлган эътиборни кучайтирди. Республикада интернет тармоғига уланган мактаблар сони 2007 – 2008 ўқув йилида 1349 тадан 2157 тага кўпайди, локал тармоқдан фойдаланувчи мактаблар сони эса 4199 тани ташкил этди. Халқ таълими вазирлиги томонидан “Умумий таълимга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш стратегияси” ишлаб чиқилди ҳамда 2008 йил 11–12 ноябрь кунлари мазкур стратегия муҳокамасига бағишланган халқаро конференция ўтказилиб [6. Б. 11-12], асосий йўналишлар белгилаб олинди. Шунингдек, тегишли фанлардан 119 номдаги, жумладан: 65 номдаги электрон дарсликлар, 26 номдаги ўқув фильмлари ҳамда 28 номдаги мультимедиа дастури воситалари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, 2003 – 2004 йилларда АҚШ давлат департаменти томонидан молиялаштирилган ҳамда USAID ва IREX ташкилотлари томонидан

амалга оширилган “Ўзбекистон мактабларига интернет тармоғи” лойиҳаси доирасида Андижон, Наманган, Нукус, Термиз, Фарғона шаҳарларининг 60 дан ортиқ умумтаълим мактаблари ҳам интернет тармоғига уланди. Япония элчихонаси томонидан 1998 – 2003 йиллар мобайнида беғараз иқтисодий ёрдам лойиҳаси асосида республика мактабларининг таълим-тарбия ишларини ривожлантириш мақсадлари учун умумий қиймати 5,7 млн. АҚШ доллари миқдорида 108 та кичик грант шартномалари имзоланди [7. Б. 42-48].

Мамлакатда таълим ислоҳотларини янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилган бундай ишлар мактаб таълими мазмунининг тубдан янгиланишига олиб кела бошлади. 1997 йилга қадар республикада 300 га яқин лицей, гимназия фаолият кўрсатган бўлса [8], 2002 – 2003 ўқув йилига келиб иқтидорли ўқувчиларни ўқитишга ихтисослаштирилган 340 та мактаб ва мактаб-интернатлар фаолият юритди. Улардаги 136 мингдан ортиқ ўқувчилар асосан ижтимоий-гуманитар, аниқ-табиий фанларни чуқур ўрганишга ва спорт йўналишларига ихтисослаштирилган эди.

Шу билан биргаликда, республикадаги 2444 та мактабда 755799 нафар ўқувчини айрим фанларни чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўқитиш ҳам бошланган эди. Улар қаторида Ўзбекистон Банклар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган 978 та ўқувчиси бўлган 39 та банк синфи, Давлат Солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган 1 та солиқ синфи мавжуд бўлган мактаблар ҳам фаолият кўрсатаётган эди.

2003 – 2004 ўқув йилида вилоят ХТБлари тасарруфидаги 1210 нафар вилоят, 292 нафар республика фан олимпиадаларининг иштирокчилари, 55 нафар халқаро фан олимпиада иштирокчилари ва ғолиблари, 7786 нафар вилоят кўрик-танлов қатнашчилари, 35113 нафар ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларнинг энг аълочи ўқувчилари ва 25790 нафар техника ва бошқа ижодиёт марказларининг илғор ўқувчилари ҳақидаги маълумотлар банки тузилди ва умумтаълим мактаблари иқтидорли ўқувчилари ҳақида интернет сайтлари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, “фан ойлиги”ни ўтказиш тадбири ҳам оммалашиб борди. Масалан, бу борада география фани таянч мактаблардан бири Самарқанд шаҳридаги 24-умумтаълим мактабида 2007 – 2008 ўқув йилида бир қатор намунали ишлар амалга оширилди. Изланувчан, дарс ўтишнинг ўзига хос услубларини ишлаб чиққан, маълум натижаларни қўлга киритган мактаб жамоаси 5-синфдан 9-синфгача бўлган барча синфларда ўқувчилар ўртасида “Энг яхши реферат”, “Энг яхши деворий газета”, “Энг яхши кўргазмали қуроллар” танловларини ўтказдилар. Синфлар кесимида эса “Энг зукко географ” танлови ва шу фан билан боғлиқ “Географлар беллашуви”, “Интеллектуал ринг” мусобақалари ҳам ташкил этилди. Ўқувчиларнинг бу фанни ўзлаштиришида янги педогогик технологияларнинг қўлланилиши ҳам муҳим ўрин тутди. “Ақлий ҳужум”, “Дебат”, “Конференция”, “Интерфаол”, “Мусобақа” усуллари ўқувчиларни кўпроқ ўйлашга, жамоага қўшилишга, ўз фикрини баён этишига ва фанга қизиқишининг ошишига ёрдам бера бошлади [9. Б. 65-66].

Республикада 1999 – 2003 йиллар мобайнида, умумтаълим мактабларининг 60 га яқин ўқувчиси АҚШ, Россия, Германия, Жанубий Корея, Индонезия, Туркия ва бошқа хорижий давлатларда математика, кимё, биология, экология, информатика, рус тили ва бошқа фанлардан ўтказилган халқаро фан олимпиадаларида 10 та олтин, 11 та кумуш, 34 та бронза медалларни қўлга киритдилар. 2004 – 2009 йилларда эса ўқувчиларимиз жами 87 та медаль ва 104 та фан олимпиадаси дипломларини қўлга киритиб қайтдилар. Бу борада Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқувчиларининг билим ва иқтидорларини алоҳида таъкидлаш лозим. Мактаб-интернатнинг 1993 йилдаги биринчи қалдирғочларининг 40 нафаридан 38 нафари (95 %) олий ўқув юртларига қабул қилинган эди. 2000-2009 йилларда мактаб-интернатнинг 108 нафардан ортиқ ўқувчилари фан олимпиадаларининг республика босқичида иштирок этди. Биргина 2002 – 2006 йиллар мобайнида 26 нафар ўқувчи 1–3-ўринларни эгаллаб, имтиёзли тарзда олий ўқув юртларига қабул қилинди. Жаҳон олимпиадаларида қўлга киритилган ютуқлар туфайли мактаб-интернатнинг 9 нафар ўқувчиси АҚШ, Япония, Франция, Италия, Туркия, Голландия каби давлатларда таҳсил олиб қайтдилар. 2006 йилгача ўтказилган жаҳон олимпиадаларининг 11 та кумуш ва бронза медали, 10 та диплом соҳиблари ҳам шу интернат ўқувчиларидир [10].

Таълим мазмунидаги ижобий ўзгаришлар мактаб битирувчиларининг олий ўқув юртларига қабул қилинишларида ҳам ўз аксини топди. Республика ўқувчиларининг олий ўқув юртларига қабул қилиниши натижалари вилоятлар бўйича қиёсий таҳлил этилганда, таълимдаги изланишлар ва янгиланишлар қайси вилоятларда кенг миқёсда олиб борилган бўлса, айнан ўша вилоятларда ўқувчилар билими ва иқтидори ўсганлигини кўрсатмоқда. Таҳлиллардан билим ва иқтидори жиҳатидан 1996 – 2009 йилларда Тошкент шаҳри ва Бухоро вилояти ўқувчилари I ва II ўринлар, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари эса III ва IV ўринлар учун рақобатлашиб келганликлари маълум бўлди. Шунингдек, Давлат тест маркази томонидан ўтказилган мониторинг натижаларига

кўра, 2008 – 2009 ўқув йилида 2006 – 2007 ўқув йилига нисбатан ўқувчиларнинг билимдонлик даражалари ўртача 8 % га ошган. Ушбу таҳлиллар ҳам амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари ўз самарасини бераётганини кўрсатмоқда [11. Б. 45].

Ўрганилаётган даврда республика ҳукумати ўқувчиларни касбга йўллаш, уларни ўз қизиқиши ва иқтидорига қараб академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиришларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Вилоят, туман ва шаҳарларда "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари" ташкил этилди. Уларда 213 нафар психолог, 167 нафар дефектолог, 210 нафар касбга йўналтирувчи, 200 нафар тиббиёт ходими фаолият кўрсата бошлади. Мутахассис бўлмаган психолог ва дефектологлар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти қошида ташкил этилган уч ойлик дефектологлар ва олти ойлик психологларни тайёрлаш курсларида қайта тайёрландилар [12].

Таълим муассасаларига методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида 2002 йил 29 – 31 май кунлари Тошкент шаҳрида Республика семинар-тренинги ўтказилди. Мактабларда методик хизмат кўрсатишни янада яхшилаш йўналишида алоҳида дастур ва 9 та низом ишлаб чиқилиб, жойларга етказилди. Халқ таълими вазирлигининг 2002 йил 8 июлдаги "Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 109-сонли буйруғига [13. Б. 16-20.] асосан вазирлик, ҳудудий халқ таълими бўлимлари қошида мониторинг бошқармалари ва бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бўлимлари таркибида "Таълим (Методика) марказлари" ташкил этилди. Шунингдек, турли фан йўналишларида 212 та таянч мактаблари, 400 дан ортиқ илғор тажриба мактаблари фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Республикада методик хизматни ривожлантириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан Республика таълим маркази фаолияти янада такомиллаштирилди ва Халқ таълими вазирлигининг 2004 йил 10 декабрдаги 261-сонли буйруғи билан умумий ўрта таълим муассасаларини замонавий ўқув режа, дастур, дарслик ва методик адабиётлар билан таъминловчи асосий "Методик марказ"га айлантирилди.

Таълим ислоҳотлари жисмоний ва ақлий имкониятлари чекланган болалар таълим олаётган махсус мактаблар ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Ўрганилаётган даврда республикада 86 та махсус мактаб ва мактаб-интернатларда 20 мингдан ортиқ болалар илм олиб, 15 та кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар мактаб-интернатларида 4322 нафар, 2 та ақли заиф болалар учун мўлжалланган "Меҳрибонлик уйи"да 334 нафар ногирон, 1 та таянч аъзолари шикастланган ва церебал фалажга йўлиққан болалар мактаб-интернатларида 263 нафар, 1 та нутқ органларида нуқсони бўлган болалар мактаб-интернатида 250 нафар, 1 та руҳий ривожланиши кечиккан болалар мактаб-интернатида 185 нафар тарбияланувчиларга уларнинг коррекцион хусусиятларига мослаштирилган тарзда умумтаълим ўқув дастурлари асосида билим бериш йўлга қўйилди. Шунингдек, ақли заиф болаларнинг 31 та мактаб ва мактаб-интернатларида 13250 нафар болага умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари ҳажмида билим берилиши йўлга қўйилган бўлса, мактабга бориш имконига эга бўлмаган 7141 нафар ногирон болаларга оилада таълим берила бошланди [14].

Махсус таълим муассасалари битирувчиларининг келгуси ҳаётига ҳам муҳим эътибор қаратилди. Бу борада биргина 2000 йилда 84 та махсус мактаб-интернатни битирган 1297 ўқувчидан 31 нафари олий ўқув юртларига, 341 таси касб-ҳунар билим юртларига, 78 нафари касб-ҳунар коллежларига қабул қилингани, 307 таси иш билан таъминлангани, 191 нафари 10-синфга жалб этилгани ва 340 тасига нафақа тайинланганлигини таъкидлашнинг ўзи кифоя.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнида энг муҳим босқич – мактаб таълимининг узлуксиз таълим тизимида бўш бўғинга айланиб қолганлиги билан бирга кўплаб камчиликлар ва муаммолар ҳам йиғилиб қолганлиги аниқланди. Бу, айниқса, мактаблар моддий-техника базасининг ночорлигида яққол кўзга ташланди, қишлоқ жойларда бу борадаги аҳвол жуда танг даражага келиб қолганди. Шу боис мактаб таълимидаги муаммолар, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг яхлит-ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ жиддий масалаларни бартараф этиш ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида 2004 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида" [1. Б. 230–236.] махсус фармойиши эълон қилинди.

Умуммиллий дастурни тайёрлаш ва унинг амалга оширилишида қуйидаги 5 та устувор вазифа белгилаб олинди. Булар:

- умумтаълим мактаблари бинолари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва реконструкция қилиш;

- мактабларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан жиҳозлаш;

- таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;

- умумтаълим мактабларини малакали педагог-кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш, улар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш;

- умумтаълим мактаблари спорт базасини мустаҳкамлаш ва уларда спортни ривожлантиришдан иборат эди.

Ушбу Умуммиллий дастур асосида қисқа фурсатда республикамизнинг 6 та йирик лойиҳалаш институтлари: АО “ЎЗЛИТТИ”, “Тошшаҳарлойиҳа”, “Ўзшаҳарсозлик”, “Ўздавлаттиблойиҳа”, АООТ “Ўзқишлоқлойиҳа”, “Ўзсувқурилишлойиҳа” томонидан умумтаълим мактаблари учун 2418 та намунавий лойиҳалар, техник-иқтисодий ҳисоблар ва лойиҳа макетлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, “Ўздавархитектқурилиш” қўмитаси ва лойиҳалаш институтлари ҳамкорлигида 2004 – 2009 йилларда капитал реконструкция қилинадиган ва янги қуриладиган мактаблар учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Умуммиллий дастур бўйича бажариладиган барча вазифалар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросининг ажралмас ва узвий давоми эди. Дастурнинг асосий вазифаси ва мақсади, биринчи навбатда, мактаб таълими тизимини тубдан яхшилаш, замон талабларига мос келадиган ўқув-моддий базани ва таълим стандартларини шакллантиришни, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ҳамда таъминланиш даражасидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш ва ўқитувчилар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришни кўзда тутди.

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори асосида ушбу дастурни амалга ошириш тадбирлари маъқулланди. Унда, хусусан, мактаб бинолари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан яхшилаш, реконструкция қилиш, мактабларни замонавий ўқув ва ўқув-лаборатория ускуналари ҳамда дарсликлар билан таъминлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, мактабларни малакали педагоглар билан таъминлаш, мактабда спортни ривожлантириш каби кўплаб тадбирлар белгиланиб, ундаги вазифаларни бажариш муддатлари кўрсатилди.

Беш йиллик режага мувофиқ, мавжуд 9 минг 727 та мактабнинг 8 минг 476 тасида эски мактаб бинолари ўрнига янгиларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари белгиланди ва ислоҳотлар натижасида 3 млн.дан ортиқ ўқувчиларнинг таълим олиши учун шарт-шароитларни яхшилаш режалаштирилди.

Ўрганилаётган даврда мактаб таълимини ривожлантириш давлат Умуммиллий дастури асосида юртимизда амалга оширилган ишлар сарҳисобини қиладиган бўлсак, умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасининг мустаҳкамланишида дастурда белгиланган асосий устувор йўналишларнинг тўлиқ амалга ошганини кўрамиз. Жумладан, умумтаълим мактаблари бинолари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва реконструкция қилиш борасида 3 млн.дан ортиқ ўқувчи ўринли 8501 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шу жумладан, 116640 ўқувчи ўринли 351 та янги мактаб бинолари қурилди, 850951 ўқувчи ўринли 2470 та мактаб бинолари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси мукаммал реконструкция қилинди, 2044582 ўқувчи ўринли 3607 та мактабнинг бино ва иншоотлари капитал ва 2072 та мактаб жорий таъмирлашдан чиқарилди. Ушбу таъмирланган мактабларнинг 1326 таси (16 %) шаҳарларда, 6887 таси (81 %) қишлоқ ҳудудларида, 287 таси эса (3 %) борилиши қийин бўлган ҳудудларда жойлашгандир.

Тадқиқот натижаларидан хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, умумтаълим мактаблари таълимида янгиланиш, таълим жараёнига замон талаблари асосида ёндашиш борасида изланишлар олиб борилди. Таълимдаги узлуксизлик, изчиллик тамойиллари жамиятда рўй бераётган ислоҳотлар кўлами билан уйғунлашган ҳолда олиб борилди. Мактаб таълимини жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун янги ДТСлар, дастурлар, дарсликлар ва ўқув адабиётлари ишлаб чиқилди. Таълим ислоҳотлари жараёнида республикада фанларни чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган янги мактаблар, синфлар фаолияти йўлга қўйилди. Миллий дастур асосида амалга оширилган таълим ислоҳотлари туфайли мамлакатда иқтидорли, билимли ўқувчилар сафи кенгайди.

Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури учун 1997 – 2009 йиллар мобайнида жами 2 триллион 368 млрд. 730 млн. сўм, 2004 – 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури учун эса қарийб 1,5 триллион сўм маблағ сарфланди [15]. Ушбу икки дастурда белгиланган устувор вазифалар юртимизда таълим ислоҳотларининг чуқурлашувида улкан аҳамият касб этди. Энг муҳими, мамлакат ёшларининг аксар қисмини қамраб олган республика умумтаълим мактаблари моддий-техник жиҳатдан жаҳоннинг ривожланаётган умумтаълим таълим муассасаларидан қолишмайдиган даражага етди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Т. 1. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – Б. 277 – 282.

2. Юсупов М. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 27 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (бундан буён ЎзР ХТВ) 2006 – 2007 ўқув йили якунлари учун олиб борилган мониторинг натижалари ҳисоботи. 3215-фонд. 51-рўйхат, 32-иш, 42-47-варақлар.

4. ЎзР ХТВ жорий архиви. Республика таълим маркази ҳисоботлари. 2621-фонд. 31-рўйхат, 34-иш, 26-варақ.

5. Халқ таълими вазирлигининг 2004 йил 12-сонли август ойи кенгаши қарорлари // Маърифат, 2004 йил, 27 август.

6. Қодиров Г.Т. Умумий ўрта таълимга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш асосида таълим-тарбия жараёнида самарадорликни ошириш // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Имкон пресс, 2008. – Б. 11 – 12.

7. Сафарова Р., Мусаев У., Мусаев П. Ўзбекистон Республикаси ўрта таълим стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари, уларни татбиқ этиш йўллари. – Тошкент: Фан, 2005. – 256 б.

8. ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жорий архиви. Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази ҳисоботи. 5249-фонд. 25-рўйхат, 33-иш, 40-варақ.

9. Эркаева С.Н. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда педагогик фикрлар ривожи. (1992 – 2005 йй.). – Тошкент: Фан, 2006. – 199 б.

10. ЎзР ХТВ жорий архиви. Инвестицияларни жалб қилиб халқаро ҳамкорлик бўлими жорий ҳужжатлари. 11-иш, 54-60-варақлар. “2004 – 2009 йилларда халқаро олимпиада иштирокчиларининг эришган натижалари” юзасидан тайёрланган умумий ҳисобот. 2621-фонд. 9-рўйхат, 67-иш, 20-29-варақлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат тест маркази таҳлилий ахборотномаси. – Тошкент. Фан, 2009. – 45 б.

12. ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жорий архиви. Низомий номидаги ТДПУ ҳисоботлари. 2624-фонд. 28-рўйхат, 73-иш, 22 – 25-варақлар.

13. Таълим тараққиёти. – Тошкент: Имкон пресс, 2002. – № 6. – Б. 16 – 20.

14. ЎзР ХТВ жорий архиви. Халқ таълими вазирлигининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг махсус мактабларда бажарилиши борасида 2000 йилда амалга оширилган ишлар ҳисобати. 2612-фонд. 15-рўйхат, 21 – 45-варақлар.

15. Жўраев Т. Мактаб таълимини ривожлантириш – умуммиллий вазифа // Маърифат, 2004, 28 июл.

EDUCATIONAL REFORMS IN UZBEKISTAN: HISTORICAL ANALYSIS (examples of the National Program of Personnel training)

T. A. Xatamov[1]

Ilmiy xabarnoma. Научный вестник – 2019. №2. 58–64.
[1]International Islamic Academy of Uzbekistan, Tashkent, 100011, A.Kadiri str., 11 (Uzbekistan). E-mail: info@iiau.uz

Keywords: *National program, education, youth, reforms, teachers, material and technical base, textbooks.*

During the years of independence, educational reforms have resulted in major changes and upgrades in the system of secondary schools, as well as all levels of education. Thanks to the reforms, the material-technical base of the schools has been strengthened, the educational process has been nationalized and adapted to the requirements of modern times. As a result of reforms in secondary schools, advanced experiences have also been collected. It is important today to summarize and study these experiences, to undertake reforms in the field of education, to analyze their achievements and problems, to identify their future prospects and conduct research in this area. This requirement also indicates the relevance of the research.

The subject of the scientific article was not studied extensively in the field of history since 1997–2009. In the present research work and in various literature, the pedagogical and socio-political aspects of the subject matter are discussed. The periodic boundary of research covers the years 1997–2009. During this period, the National Program for the Development of School Education for 2004–2009 was adopted as a continuation of the Law «On Education» and the National Program for Personnel Training and the National Program.

There is no scientific-analytical, generalized conceptual historical research on the process of implementation of the National Program on Personnel Training in Public Education, which constitutes the most important component of the educational reform, including the problems and solutions. In this regard, the main purpose of the research was to study the process of educational reforms in general education schools of the Republic of Uzbekistan in 1997–2009, based on archival documents and scientific sources, and to summarize the accumulated experience, to make scientific conclusions and to provide scientific and practical recommendations on its prospects.

In conclusion, it should be noted that based on the study of the Law of the Republic of Uzbekistan «On Education» (1997), the National Program for Personnel Training and the State Nationwide Program for the Development of School Education, based on the documents and sources used in the preparation of the scientific article a small conceptual research about history of the development of secondary schools was made. The scientific and theoretical conclusions, opinions and suggestions made during the preparation of the present case, and the suggestions and recommendations made in this work are of a positive significance in some of the existing social and scientific views on the dynamics of school education development in Uzbekistan.

References

1. Collection of normative-legal acts on education of the Republic of Uzbekistan. (2008). Vol. 1. Tashkent: O'qituvchi. Pp. 277-282.

2. Yusupov, M. (2002) Uzluksiz ta'lim tizimi uchun o'quv adabiyotlarining yangi avlodini yaratish konsepsiyasi [The Concept of Creating a New Generation of Textbooks for Independent Learning System]. Tashkent: Sharq.

3. Report on monitoring results of the Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan (hereinafter – MPE Rep. of Uz.) for 2006–2007 academic year. 3215-stock. 5- list, 32-work. Pp. 42-47.

4. Current archive MPE Rep. of Uz. Reports from the Republican Training Center. 2621-stock. List 31. 34-work. p. 26.

5. Resolutions of the Ministry of Public Education №12 of August 2004. (2004) *Ma'rifat*, August 27.

6. Qodirova, G.T. (2008) Umumiy o'rta ta'limga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish asosida ta'lim-tarbiya jarayonida samaradorlikni oshirish [Improving the efficiency of teaching and learning process based on the introduction of ICT in general secondary education]. *Materials of international scientific-practical conference.* Pp. 11–12.

7. Safarova, R. Musayev, U. Musayev, P. O'zbekiston Respublikasi o'rta ta'lim strategiyasi muammolari va ta'lim mazmunining yangi modellari, ularni tatbiq etish yo'llari [The problems of secondary education strategy in the Republic of Uzbekistan and new models of education content are the ways to apply them]. Tashkent: Fan. Pp. 211–216.

8. The current archive of the Ministry of Higher and Secondary Specialized Education of the Republic of Uzbekistan. Report of the Center for Secondary Special Education. 5249-stock. 25 list, 33 work, P. 40.

9. Erkayeva S.N. (2006) Mustaqillik yillarida O'zbekistonda pedagogik fikrlar rivoji (1992–2005.) [The development of pedagogical ideas in Uzbekistan during the years of independence]. Tashkent: Fan.

10. Current archive MPE Rep of Uz. Current documents of the Department of International Cooperation attracting investments. 11-job, P. 54-60. A general report on the «Results of International Olympiad for 2004–2009». 2621-stock. List- 9. Work-67. P. 20-29.

11. Analytical Bulletin of the State Testing Center of the Republic of Uzbekistan. (2009) Tashkent: Fan.

12. Current archive of the Ministry of Higher and Secondary Specialized Education. TSPU reports on Nizami. 2624-stock. 28-list. 73-work. Pp. 22-25.

13. Education Development (2002) Tashkent: Imkon press. № 6. Pp.16-20.

14. Current archive MPE Rep of Uz. Reports of the 2000 National Program on Personnel Training at the Ministry of Public Education for Implementing Schools. 2612-stock.15-list. Pp. 21-45.

15. Jo`raev, T. (2004) Maktab ta'limini rivojlantirish – umummilliy vazifa. [The national task of development of School Education]. *Ma'rifat*. July 28. Pp. 1-2.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Хатамов Тоҳир Абдумуталович – Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти, тарих фанлари номзоди. E-mail: t.xatamov@mail.ru